



ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕТОДИКАСИ ТУШУНЧАСИ ТАҲЛИЛИ

А.Р.Носиров

ИИБ Академияси магистратура тингловчиси.

Аннотация: Мақолада йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш методикаси тушунчасига оид фикр ва мулоҳазалар, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш бўйича мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: йўл ҳаракати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш методикаси, маъмурий қонунчилик, йўл-транспорт ҳодисаси.

Дунёнинг барча мамлакатларида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини камайтириш борасида кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра оғир жароҳатларга олиб келадиган шикастланишлар орасида криминал жароҳатлардан сўнг йўл-транспорт ҳодисалари иккинчи ўринни эгаллайди[1]. Ҳар йили 1,2 млн.га яқин одам йўл-транспорт ҳодисаси қурбони бўлмоқда, қарийб 50 млн. киши турли даражада жароҳат олмоқда[2]. Шу боис, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттириш зарурати юзага келмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг янгича механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, йўл инфратузилмасини тубдан



яхшилаш, йўллар сифатини ошириш орқали йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-амалий ҳамда фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Автомашина илгари ҳашамат ҳисобланган бўлса, бунгуги кунга келиб ҳаракатланиш воситаси, кундалик эҳтиёжга айланди, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш ва бошқа афзаликклари билан тобора ҳаётимизга сингиб бормоқда. Бироқ, автотранспорт воситаларини афзаликларидан ташқари унинг баъзан жиддий кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Жумладан, ҳаракатланиш қоидаларини билмаслик ёки уларга риоя қилмаслик, маст ҳолда машина бошқариш кўпинча оғир тан жароҳати ёки ўлим билан боғлиқ оғир мудҳиш воқеаларни сабабчиси бўлмоқда.

Сўнгги пайтларда автоҳалокатлардан жароҳатланиш ва ўлим билан боғлиқ ҳолатлар бутун дунё мамлакатларида ечимини кутаётган долзарб муаммолар қаторига айланган. Хусусан, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги ҳалокатлардан жароҳат олиш ёки ўлим билан боғлиқ ҳолатлар барчани диққат эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 75% шаҳар кўча йўлларида содир бўлган бўлса, унинг 40%ига йўлларнинг сифатсизлиги сабабли бўлган[3].

Йўл-транспорт ҳодисалари ногиронликка сабаб бўладиган ўнта асосий омиллардан биридир. Бунинг оқибатида етказиладиган иқтисодий зарарларнинг умумий қиймати йилига беш юз миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Айрим хорижий мамлакатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида муайян натижаларга эришиб, бошқа мамлакатларга нисбатан йўллардаги ўлим ҳолатларини камайтиришга эришмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишни такомиллаштиришнинг шартлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун “йўл ҳаракати хавфсизлиги”ни бошқа турдаги фаолиятдан фарқлаш лозим.



Ҳуқуқ назариясида “йўл-транспорт ҳодисалари”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги”, “йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш” каби бир қатор тушунчалар мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар томонидан турли даврларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда юридик таърифлар ишлаб чиқилган. Биз қуйида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш билан боғлиқ фаолиятга доир тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини кўриб чиқамиз.

Йўл ҳаракати – одам ва юкларни транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ташиш ёхуд йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуига айтилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият.

Йўл-транспорт ҳодисалари – бўйича ҳуқуқий адабиётлар ва юридик амалиётни таҳлил қилиш уларнинг ижтимоий зарарини ҳақиқий зарар етказиш билан биргаликда кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса[4].

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиш жараёнида ва унинг иштирокида содир бўлган, фуқаролар вафот этган ёки уларнинг соғлиғига зарар етказилган, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланган ёхуд бошқа моддий зарар етказилган ҳодиса[5].

Тан жароҳати олган шахс — йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида тан жароҳати олиб бир кундан ортиқ муддатга стационар тарзда даволаниш учун



шифохонага ётқизилган ёхуд биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг тиббиёт муассасасига қатнаб амбулатор тарзда даволанаётган шахс[6].

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш – амалдаги қонунчиликка шарҳ бериш, фуқароларга жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш ва бу соҳа билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий асослари катта аҳамиятга эга бўлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчаси йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлиги даражасини акс этувчи, йўл ҳаракати ҳолатини англатади. Йўл-транспорт ҳодисаси транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодисадир. Бошқача айтганда, бу ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг салбий оқибатидир[7].

Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш тушунчасига нисбатан турлича ҳуқуқий таърифларнинг берилганлиги унинг мазмунида бўладиган доимий ўзгаришлар билан изоҳланади. Бу ҳар қандай ҳодисанинг табиий ҳолатидир. Йўл-транспорт ҳодисасининг мазмуни давлат ривожланишининг ўзига хос тарихий шарт-шароитлари, унинг аҳамияти ва қонунчиликни тартибга солиш ҳолати билан ҳам белгиланади[8].

Энди биз тадқиқот мавзуси доирасида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш методикаси ҳақида тўхталиб ўтамиз. Методика юнонча *“metodike”* сўзидан олинган бўлиб, бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш методларининг, усуллариининг йиғиндисиди, илмий-тадқиқот методикаси ҳисобланади[9].

Метод (юн. *“methods”* – усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методология тушунчаси икки асосий мазмунга эга – фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси.



Ҳар қандай метод муайян назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чуқур мазмун ва моҳиятга эгаллиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг кўлами ҳам ўзгариши мумкин: *биринчи*, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламаслик (“методологик негавизм”); *иккинчи*, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси (методологик эйфория), деб тушуниш нотўғридир.

Метод методикада конкретлашади. Методика далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият туридир. У методологик тамойиллардан фарқ қилсада, уларга асосланади. Бундан ташқари, атаманинг илмийлиги тўғрисидаги баҳслар, “махсус тадқиқот методлари”ни ишлаб чиқишда қарама-қаршилиқлар, муайян муаммолар мавжуд.

Йўл-транспорт ҳодисаси тушунчаси фанда илмий-ҳуқуқий категория сифатида турлича таърифларга эга бўлиб ушбу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар томонидан турли ёндошув ва қарашлар мавжуд. Баъзи адабиётларда “йўл-транспорт ҳодисаси ҳаракати хавфсизлиги юзасидан жиддий келишмовчиликлар мавжуд” эканлиги таъкидланган[10]. Бунинг асосий сабаби мазкур атаманинг ижтимоий-иқтисодий ва техник хусусиятларини тўлиқ қамраб олган ягона таърифнинг йўқлигидадир.

Ҳукуматимиз томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ечимини кечиктириб бўлмас муаммолар сифатида йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда улардаги ўлим ҳолатлари сонини қисқартириш, ушбу соҳадаги миллий қонунчилигимизни мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ўзаро ҳурмат ва билим-тажрибасини ошириш, қўпол қоидабузарликлар содир этаётганларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш борасида энг аввало қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- 1) йўл-транспорт ҳодисалари ва қўпол қоидабузарликлар сонини камайтиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;
- 2) ҳар қандай қоидабузарлик учун қатъий жазо чораларини қўллашни таъминлаш;
- 3) йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий онги ва маданияти ошириш;
- 4) автомактаблар фаолияти самарадорлигини ошириш;
- 5) йўл ҳаракати соҳасини рақамлаштириш;
- 6) ҳайдовчиларнинг ўзаро ҳурмат ва тажрибаларини ошириш;
- 5) йўллар ҳолати ва инфратузилмасини яхшилаш;
- 6) ҳайдовчилар ва пиёдалар учун қулай ва хавфсиз йўл ҳаракатини ташкил этиш.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, йўл-транспорт ҳодисаларини барвақт олдини олиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг янгича ва замонавий механизмларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш орқали мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишнинг энг самарали методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Ismoilova B.P. // European Chemical Bulletin 2023, 12 (Issue 8), 2055-2062.
2. 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси // <https://lex.uz/docs/3743453>.
3. Пономарев О.Н. Оценка безопасности дорожного движения в зимний период / Материалы международной научно-практической конференции. –М. 2023. –С. 238.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги 303-сон Қарори.



5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”ги 172-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги 303-сон Қарори.
7. Тультеев И., Раззоков М. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари // “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашувлар” Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – Б. 183–187.
8. Майоров В. П. Государственно-правовое обеспечение безопасности дорожного движения в Российской Федерации: теоретико-прикладные проблемы. - Челябинск, 2007. – С. 8.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Т., 2022. –Б. 364.
10. Майоров В.И. Государственно-правовое обеспечение безопасности дорожного движения в Российской Федерации: теоретико-прикладные проблемы. – Монография. – 2008. – С. 11.